



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 511-10
2018-yil 4-iyul



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИННИГ ҚАРОРИ

**Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобвақаларни юритиш
тартибиға ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ва “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 5 сентябрда 232-сон билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобвақаларни юритиш тартибиға (рўйхат рақами 511, 1998 йил 22 октябрь) иловага мувофиқ ўзгартериш ва қўшимчалар киритилисн.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Тошкент ш.,
2018 йил 16 "апрель
16-сон

M. Нурмуратов



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Башкарувининг
2018 йил 28 апрелдаги
16/7 - сон карорига
ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобваракларни
юритиш тартибига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1.1-банд қуйидаги таҳирда баён этилсин:

“1.1. Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ва “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ, тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг - резидентлар ва норезидентларнинг талаб қилиб олинадиган хорижий валютадаги депозит ҳисобваракларини (кейинги ўринларда валюта ҳисобвараклари деб юритилади) юритиш қоидаларини белгилаб беради.

Валюта ҳисобваракларини очиш “Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобвараклари тўғрисидаги йўриқнома”да (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) белгиланган тартибда амалга оширилади.”.

2. 1.2-бандда “пластик тўлов ва кредит карточкаларидан” деган сўзлар “банк карталаридан” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 1.7-банд қуйидаги таҳирдаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Банк мижозлари ҳисобвараклари тўғрисидаги маълумотлар учинчи шахсларга Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида”ги Қонунида белгиланган тартибда берилади.”.

4. 1.8-банд қуйидаги таҳирда баён этилсин:

“1.8. Тижорат банклари омонатчиларга тузилган шартномаларга мувофиқ омонатларни сақланиши ва сўзсиз қайтарилиши бўйича зарур кафолатларни берадилар.”

5. 2.3-банднинг “е” кичик бандида “пластик тўлов ва кредит карточкалари” деган сўзлар “банк карталари” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 3.2-бандда:

“б” кичик банднинг учинчи хатбошида “пластик тўлов ва кредит карточкалари” деган сўзлар “банк карталари” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

“в” кичик банднинг иккинчи хатбошида “божхона” ва “ваколатли банк” деган сўзлар тегишлича “божхона органлари” ва “тижорат банки” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 4.3-бандда:

“а” кичик банднинг тўртинчи хатбошида “пластик тўлов ва кредит карточкалари” деган сўзлар “банк карталари” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

“в” кичик банди қуйидаги таҳирда баён этилсин:

“в) нақд хорижий валюта;”.



8. 4.5-бандда:

“б” кичик банднинг учинчи хатбошида “пластик тўлов ва кредит карточкалари” деган сўзлар “банк карталари” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

“в” кичик бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“хисобварақ эгаси хориждан олиб келган ва Ўзбекистон Республикасига кириш чогида божхона органларида рўйхатга олинган ёки ҳисобварақ эгаси учун тижорат банки номига қимматли жўнатма сифатида юборилган;”;

куйидаги таҳрирдаги бешинчи – саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“тегишли тасдиқловчи хужжатлар асосида халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали келиб тушган ва берилган;

банкомат (терминал) чеки асосида ҳисобварақ эгасининг банк картасидан ечилган;

тегишли тасдиқловчи хужжатлар кўрсатилганда Ўзбекистон Республикаси худудида қонуний асосларда топилган;

тасдиқловчи хужжатлар асосида банк ҳисобварағидан ечилган.”.

